Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2014 йил
**24 май**
ШАНБА
**№ 42** (12678)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Китоб байрами

# КЎНГИЛ ЧИРОҒИ, ТАФАККУР БЎСТОНИ

Инсоннинг энг садоқатли, беминнат дўсти сўзсиз китобдир. Тўғри, глобаллашув жараёни даврида тамаддун этагига илашиб кириб келаётган оммавий маданиятнинг нохуш эпкинлари кексаю ёшнинг онгу шуурига таъсир қилмай қолмаяпти. Мобиль алоқа, интернет, компьютер, ноутбук, фейсбук, планшет, пайнет каби мўъжизавий техникалар замоннинг зайли билан ҳаётимиздан тобора кенгроқ ўрин олмоқда. Лекин, одамзот ҳар қандай техникадан устун бўлган ноёб хислатга эга. Бу юксак маънавият деган тушунчани нозик қалб, беқиёс тафаккур ва фақат инсонгагина хос бўлган ҳис, туйғу билан англаш, идрок этиш дегани. Бильакс, бундай бахт ҳеч биримизни четлаб ўтмаган. Кечагина бўлиб ўтган республика Китоб байрами тадбирлари фикримиз далили. Зеро, унда иштирок этган кексаю ёшнинг мутолаага бўлган қизиқиши, "Ҳозир ҳеч ким китоб ўқимай қўйди" деган сўзлар нотўғри эканлигини исботлади.





Тошкент давлат аграр университетида вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси, Маънавият тарғибот маркази, "Маданият ва спорт", "Маҳалла", "Камолот" ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигидаги китоб байрами ҳам юқори савияда уюштирилди. Университет биноси пештоқидаги "Адабиётга эътибор – келажакка, маънавиятга эътибор", "Республика китоб байрамига хуш келибсиз" каби чиройли ёзув, ямяшил гулу гулзор, арчазор, фавворалар ёнидаги қатор китоб расталари, сотувчию харидорлар, вилоят академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси қошидаги "Шош наволари" ансамбли хонанда ва созандалари китобсевар дўстларимизни оҳанрабодек ўзига чорлаб турибди.

Расталарга терилган "Ўзбекистон", Ғафур Ғулом, "Шарқ", "Янги аср авлоди", "Наврўз", "Молия иқтисод" каби нашриётларда чоп этилган хилма-хил мавзулардаги китоблар барчанинг эътиборини тортган. Уларни кузата туриб, китоб танлашда ҳар кимнинг ўз олами борлигига яна бир бор гувоҳ бўлдик.

– Мен университетнинг "Фермер хўжаликларини бошқариш" факультетида ўқийман, – дейди 3-босқич талабаси Бекзод Амиров.

(Давоми 2-бетда).

Маънавият

**Китоб – зиё, китоб – одоб-ахлоқ, меҳр-муҳаббат, чексиз фазилатлар мажмуи, энг буюк кашфиёт, ажойиб совғадир. Чунки билимли одам ҳеч қачон хору зор бўлмайди. Бошига ҳар қандай мусибат тушганда ҳам ўзини идора қила олади. Шу боис ҳам маърифатпарвар, зиёли инсонлар китобни яқин дўст, яхши ҳамроҳ деб билишади.**

**Китоб, айниқса болалар адабиёти – болада ота-она, маҳалла, Ватанга муҳаббат, дўстлик, меҳр-оқибат, садоқат каби тушунчаларни шакллантиришга хизмат қилувчи, аудиторияси энг катта ва энг тез таъсир кўрсатадиган санъат маҳсулоти.**

# МАЪРИФАТЛИ ФАРЗАНД – ОИЛА БАХТИ

Иш, рўзғор ташвишлари деб фарзандининг қандай китоб ўқиётгани ёхуд китоб ўқишга муносабати ҳақида бирон марта ҳам қизиқиб кўрмаган ота-оналар орамизда кўплаб топилади. Гоҳида ўйлаб қоламан, ўқувчиси охирги марта қайси китобни ўқигани ҳақида қизиқиб кўрмаган ўқитувчи мураббий номига лойиқмикан? Халқимизда бола бошидан деган гап бекорга айтилмаган. Ёшларимизда болалар боғчасидаёқ, қолаверса, мактабга илк келган чоғиданоқ китоб ўқишга иштиёқ уйғотишимиз лозим.

Тўғри, замон ўзгарди. Бугун фан-техника тараққий топган жамиятда яшаяпмиз. Ҳаётимизга компьютер, интернет каби замонавий технологиялар кириб келди. Ҳозирда интернет орқали дунё билан бемалол мулоқотда бўлиш мумкин. Аммо...

(Давоми 2-бетда).

## ТАДБИРЛАР, ТАКЛИФЛАР

**23 МАЙ.** "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши Халқаро Оила куни муносабати билан Олмалиқдаги саноат касб-ҳунар коллежида "Оила – менинг олтин қўрғоним" мавзуида иншо ва расмлар танлови ҳамда "Отам, онам ва мен – спортчилар оиласи" шиори остида "Қувноқ стартлар" спорт ўйинлари ўтказди.

**26 МАЙ.** Тошкент шаҳар ҳокимияти пойтахтдаги Миллий матбуот марказида "Янги иш ўринлари яратиш ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш масалалари" ҳақида матбуот анжумани уюштирмоқда.

**27-29 МАЙ.** "DIMAX доимий фаолият юритувчи халқаро қурилиш ярмаркаси" қурилиш ашёлари кўргазма-расталарини ташкил этаяпти.

**29 МАЙ.** Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди "Пойтахт" бизнес марказида "Жамиятни ривожлантиришнинг долзарб масалалари" мавзуида давра суҳбати ўтказишни режалаштирган.

**30 МАЙ.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси "Истиқбол" ёшлар қаноти томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ёш сиёсатчи" танловининг бу йилги вилоят босқичи Пискентдаги 30-болалар мусиқа ва санъат мактабида ўтади.

Бандлик

**Вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов бошчилигида ўтказилган йиғилишда Президентимизнинг коллеж битирувчилари, айниқса, қизларни иш билан таъминлаш ҳақидаги кўрсатмаси асосида касб-ҳунар коллежи битирувчи қизларининг бандлиги масаласи муҳокама қилиниб, топшириқлар берилган эди. Уларнинг ижроси бўйича жойларда қатор тадбирлар уюштирилмоқда.**

# ҚИЗЛАР ИШСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Паркент ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежидаги шу мавзудаги давра суҳбати Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси қошидаги кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази директори ўринбосари Орифжон Қутлиев, вилоят статистика бошқармаси бўлим бошлиғи Улуғбек Боймуродовлар иштирокида ўтди.

Мутахассислар битирувчиларга иш берувчи ва ходим ўртасидаги мажбуриятлар, меҳнат қонунчилигига оид муносабатлар, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун банклардан кредит олиш тартиби ҳақида маълумотлар беришди. Бундай мулоқотлар натижасида коллеж битирувчиларининг 14 нафарига, жумладан 11 қизга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун банк кредитлари бериладиган бўлди. Асаларичилик, тикувчилик, тўқувчилик, чорвачилик ва бошқа йўналишларда иш олиб бориш истагидаги қизларнинг ҳар бирига тумандаги "Микрокредитбанк", "Агробанк" ва "Халқ банки" филиаллари 5 миллион сўмдан кредит ажратиши режалаштирилган.

**Сайёра РАҲМОНОВА.**

Тажриба ва истиқбол

# «ЯГОНА ОЙНА» ХИЗМАТИДА МУАММО ЙЎҚ

*Вилоят ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси бошқармаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида Чирчиқ шаҳрида "Ягона ойна" марказлари фаолияти: амалий тажриба ва истиқболлар" мавзуида семинар ўтказилди.*

(Давоми 2-бетда).




# ТАРБИЯДА АЁЛ ЎРНИ

**Зангиота туманидаги маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида "Аёлларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ва ёш авлодни тарбиялашдаги ўрни" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

Республика "Оила" илмий-амалий маркази ходимлари, "Олима аёллар" уюшмаси аъзолари, Зулфия издошлари ҳамда шифокорлар иштирокидаги мазкур анжуманда вилоятимизнинг бир қатор шаҳар, туманларидан ташриф буюрган ишбилармон ва тадбиркор аёлларга турли мавзуларда йўл-йўриқ, кўрсатма ҳамда маслаҳатлар беришди. Хусусан, банк ходимлари бизнес-режа тузишга оид фойдали маълумотлар билан ўртоқлашдилар.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

# «МАҲАЛЛА БОШИДА СУНЪИЙ ТЎСИҚ»

Газетанинг 2014 йил 16 апрелдаги 31-сонида юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган мақолада Чирчиқ шаҳар, 10-кичик даҳасидаги 23-кўп қаватли уй жойлашган кўчанинг кириш қисмини таксилар тўсиб қўяётгани, бу ҳолат бўйича тегишли идораларга қилинган мурожаатлар эътиборсиз қолгани Чирчиқ шаҳар прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилган.

Аниқланишича, Чирчиқ шаҳар, 10-кичик даҳасида жойлашган 23-кўп қаватли уй катта автойўлдан 10-15 метр узоқликда бўлиб, кириш йўлаклари уйнинг орқа томонида жойлашган.

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг юқорида кўрсатиб ўтилган сонида чоп этилган фотолавҳаларда тасвирланган автомашиналар Чирчиқ шаҳар, 8-10-кичик даҳасидаги автойўл ёқасида турган вақтида суратга олиниб, 23-кўп қаватли уйга киришга тўсқинлик қилмаслиги маълум бўлган.

Ушбу кўп қаватли уй "Чирчиқ деҳқон бозори"-га яқин масофада жойлашган бўлиб, автомашиналар тўхташ жойлари мавжуд эмаслиги сабабли, бозорга харид қилиш учун келган фуқаролар шахсий автомашиналарини йўл ёқасида қисқа муддатга қолдириш ҳолатлари мавжуд бўлсада, бироқ бу автомашиналар 23-кўп қаватли уйга кириш йўлини тўсмаслиги аниқланган.

Бундан ташқари, мақолада чоп этилган ҳолат юзасидан Чирчиқ шаҳар, "Истиқлол" маҳалла фуқаролар йиғини раиси О. Каримовдан тушунтириш хати олинганида, фуқаро А. Автохўжаев 7-уйнинг 6-хонадонида яшашлиги, 2010 йилдан буён ноқонуний равишда йўловчи ташиш билан шуғулланиб келаётган ҳайдовчиларнинг фаолиятига чек қўйиш ёки улар томонидан уй жойлашган кўчанинг кириш қисми тўсиб қўйилаётганидан норози бўлиб фуқаролардан, шу жумладан муаллифдан шикоят келиб тушмаганлиги, фотолавҳада кўрсатилган ҳолатлар катта йўл ёқасида суратга олинган бўлиб, 23-кўп қаватли уйнинг кириш қисмини тўсмаслиги маълум бўлди.

Шунингдек, Чирчиқ шаҳар ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими ва шаҳар давлат солиқ инспекциясига фуқаролардан ушбу масала юзасидан мурожаатлар келиб тушмаган бўлсада, жорий йилнинг ўтган даврида улар томонидан ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар натижасида, фуқаролар томонидан ноқонуний равишда аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатилаётган ҳолатлари аниқланиб, маъмурий жазо чоралари қўлланилган.

**Б. НУРМУҲАМЕДОВ,**
**вилоят прокурори ўринбосари,**
**3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси.**

Яна тўловлар ҳақида

# ШАМНИ ҲАМ ТЕКИНГА ОЛОЛМАЙСИЗ-КУ!

**Бугунги турмушимизни газ, электр, сув таъминоти каби коммунал хизматларсиз тасаввур қилиш қийин. Бу уч неъмат ҳар доим, ҳар қандай кунимизда коримизга ярайди. Ўчоқда ўтин ёқиб, овқат пишириш, қудуқдан сув ичиш, чироқ ўрнига шам ёқиб ўтириш эндиликда ҳеч кимга ёқмайди.**

Хўш, коммунал хизматлардан фойдаланиш бизнинг ҳаётий эҳтиёжимизга айланиб улгурган бўлса, уларнинг ҳақини ҳам ўз вақтида тўлаб боришга виждон амри сифатида қараяпмизми?

Вилоят ҳокимлик соатлари ва бошқа йиғилишларда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида бошқарув ва назорат ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, қарздорлик кун сайин ортаётгани далиллар асосида қаттиқ танқид қилинаяпти. Хусусан, Янгийўл туманидаги аҳвол билан танишганимизда бу эътирозлар тўғрилигига амин бўлдик. Туман бўйича ҳозир 46 минг 850 аҳоли ҳамда 1450 та улгуржи ташкилот табиий газдан фойдаланади. Шу йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, уларнинг қарзи 72 миллиард 126 миллион сўмни ташкил этган эди. Шундан аҳолиники 71 миллиард 58 миллион сўм бўлса, улгуржи истеъмолчилар қарзи 1 миллиард 67 миллион сўмга тенг эди. Орадан 4 ой ўтар-ўтмас туманнинг умумий қарздорлиги 84 миллиард 266 миллион сўмга етди. Бунга аҳоли вакиллари 76 миллиард 718 миллион сўм, корхона ва ташкилотлар эса 7 миллиард 548 миллион сўм қарзлари билан "умумий хирмонга муносиб ҳисса қўшишди".

Қисқа муддатда бундай "ўсиш" кишини нафақат ўйлантириши, балки қаттиқ ташвишга солиши керак эмас-ми?!

– Деярли ҳар йиғилишда, албатта, коммунал тўловлар ҳақида гапирилади. Лекин ҳеч натижа бўлмаяпти, – деди туман газ таъминоти корхонаси бош муҳандиси Аҳмаджон Умурзоқов. – Аслини олганда, филиалимиз аҳоли ва юридик шахсларга газ етказиб бериш билангина шуғулланиши керак. Истеъмолчилар эса коммунал тўловларни онгли равишда вақтида тўлаб боришлари шарт. Лекин амалда бундай бўлмаяпти. Ҳозир биз ҳам газ етказиб бераяпмиз, ҳам газ ҳақини тўламаётганларни аниқлаяпмиз, уларни огоҳлантираяпмиз, йўл-йўлакай судга, прокуратурага ҳужжат тақдим этиб, пулларни ундириш мақсадида елиб-югураяпмиз.

Электр таъминоти бўйича ҳам аҳвол қониқарли даражада эмас. Бугунги кунда 52 минг 777 та абонент электр токидан фойдаланаяпти. Лекин ҳақини тўлашга келганда...

Туманда электр бўйича қарзорлик 21 миллиард 857 миллион сўмни ташкил этаётир. Шундан 8 миллиард 150 миллиони аҳоли ҳиссасига тўғри келса, улгуржиники 13 миллиард 706 миллион сўмни кўрсатаяпти.

Назаримизда, ҳудудларда бундай қарздорлик авж олишининг энг асосий сабаби соҳа раҳбарлари ва фаолларнинг ўз вазифаларига совуққонлик, масъулиятсизлик билан қарашида, қолаверса, ишни ташкил қила олмаслиги, замон талабини илғамаслиги – бир сўз билан айтганда, заифлигида кўринаётир.

**Хуршида МЎМИНОВА.**

# КЎНГИЛ ЧИРОҒИ, ТАФАККУР БЎСТОНИ

– "Дунё-сиёсат-жамият" китобининг 5-томини олдим. Жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш учун ҳар томонлама илғор, дунёдаги ўзгаришлар, янгиликлардан хабардор бўлиш керак. "Камолот" ташкилотининг фаоли сифатида ҳам бундай китобларни ўқиш зарур. Бадиий адабиётга ҳам қизиқаман. Бу ерда Тоҳир Маликнинг асарлари ҳам бор экан. Ёзувчи билан бўлган учрашувларда қатнашганман.

– Мана бу эртак китоблардан беринг, суратлари ҳам чиройли экан, – дейди 6-босқич талабаси, магистрант Нурулла Салимов. – 2 ёшли қизчам бор. Китоб варақлашни яхши кўради. Ўзим ўқиб бераман...

– Мен энг аввал сиёсатга доир китобларни, Президент асарларини танладим. Кейин Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романини сотиб олдим, – дейди 3-босқич талабаси Жавлон Раҳмонов. – Фаол "Камолот"чиларданман. Менда "Янги аср авлоди" нашриётида чоп этилган китоблар қизиқиш уйғотди...

Бекзод Хушмаматов эса "Ўсимликларни ҳимоя қилиш" йўналиши 3-курсида ўқир экан. Аммо, чет эл адабиётини севиб мутолаа қилишини айтди.

– Мен аввало, Президентимизнинг, ота-онамнинг имон-эътиқодли бўлиш кераклиги ҳақидаги фикрларини кўп эслайман. "Қуръон" китобини онамга совға қилмоқчиман. Шунингдек, "Граф Монто Кристо" асарининг 1-2-китобларини ҳам сотиб олдим. Бу ерда харидни пластик карточка орқали амалга ошириш мумкинлиги янада қулай экан...

Дарҳақиқат, китоб савдоси ҳақиқий байрам тусини олгани рост. Айниқса, талабаларнинг тарихий асарларга бўлган қизиқишлари ҳам таҳсинга лойиқ. Турк ёзувчиси Юнус Ўғузнинг "Амир Темур", француз ёзувчиси Марсель Брионнинг "Менким, соҳибқирон – жаҳонгир Темур" асарлари, "Наврўз" нашриётида чоп этилган "Алихонтўра Соғуний", "Туркистон қайғуси" ва бошқа китоблар мухлисларини топди дейиш мумкин. Мухтор Худойқуловнинг "Меҳмон "ови", "Габрово латифалари ва ҳангомалари", "Масаллар" ҳам китобхонларни бефарқ қолдирмади.

Сотувчи Мавлуда Газиеванинг айтишича, "Камолот" кутубхонаси китоблари талабаларда катта қизиқиш уйғотди. "Ўтган кунлар", "Чолиқуши", "Ал Кимёгар", шунингдек болаларга аталган чиройли муқовали китобларни сотиб олишди.

Китобсеварларда, айниқса, шоиру ёзувчилар билан бўлган мулоқот катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзолари, истеъдодли шоир Ботир Эргашев, шоира Зарифа Эралиева, Ашурали Боймурод, академик Абдурашид Ҳасанов шеърларини мириқиб тинглашди. Талабалар ўзлари ёзган шеърларини ўқиб беришди. Шунингдек, ёзувчи Мухтор Худойқул, Увайсхон Шокировларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлишди. Тадбир якунида аҳолига зиё тарқатишда жонбозлик кўрсатаётган "Энг намунали китоб дўкон"лари аниқланиб, уларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Ишчи гуруҳ хулосасига кўра, Олмалиқ шаҳридаги Шуҳрат Газихонов юритаётган китоб дўконига 1-ўрин, "Шарқ зиёкори" китоб дўкони вилоят филиалига (сотувчи Дилором Холиқова) 2-ўрин, Бекобод шаҳридаги хусусий китоб дўконига (Зокир Абдураҳматова) 3-ўрин берилди. Қисқаси, республика Китоб байрамининг вилоят тадбирлари ёшларимизнинг мутолаага бўлган қизиқиши талаб даражасида эканлигини яна бир бор исботлади.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# МАЪРИФАТЛИ ФАРЗАНД – ОИЛА БАХТИ

Мени бир нарса кўп вақтдан бери чуқур ўйлантириб келади. Айтайлик, мумтоз ва замондош адибларимизнинг асарларини ўқувчи бошидан охиригача компьютер орқали ўқий олармикан, бунга кучи, вақти етармикан?

Ҳали-ҳануз ёдимда. Мактабда ўқиб юрган пайтларим устозлар синфимиз ўқувчиларини ҳар ҳафтада 1-2 та шеър ёдлаш ва ҳар ўн кунда бирорта қисса ёки роман ўқишга мажбур қилардилар. Ўз навбатида ўқишдан келиб, уй юмушларига қарашиб бўлиб, онам ишлайдиган кутубхонага борардим. Устозларимиз топширган вазифани айтганимда, онам дарҳол бир неча шеърий тўплам, қисса, роман ва достонларни танлаб берардилар. Уйда онам ва дадам билан бирга мутолаа қилар эдик. Бундай услуб ўша пайтларда биз учун бироз малол келган бўлса-да, ҳаётда ва ижод қилишимизда асқотмоқда. Ҳозирда устозларимизнинг қаттиққўллигидан беҳад миннатдорман.

Бугун эса назаримда, кўпчилик, айниқса, аксар ёшлар китобдан йироқлашди. Ёшларни қўятурайлик, уларнинг баъзи устозлари ҳам бадиий адабиёт кўчасидан ўтмай қўйганига анча бўлди. Орамиздаги ўқишга "чанқоқ"лар эса, енгил-елпи газета бозорини оммалаштиришга сидқидилдан хизмат қилаётган "фозил" ёзувчи ва журналистларнинг хонанишин шароитда ёзган шов-шувли мақолаларига, сиқса суви шалаббо романларига кўнгил қўйишмоқда.

Кутубхоналар жавонларидаги жиддий асарлар, жаҳон ва ўзбек мумтоз адабиётига мансуб дурдоналар эса, китобхон муҳаббатига кўз тикканича қаторлашиб турибди.

Ҳақиқий адабиёт инсонни тафаккур қилишга, ҳақиқатни излашга ўргатади. Ўзининг ички дунёси ҳақида тафаккур қилмайдиган одам кўнгилли манқуртдир. Клип ҳикоя, клип-китоблар тор доирада тушунадиган, саёз онгни тарбиялайди. Одамлар чуқурроқ тафаккур қилишни, эшитишни хоҳламайдиган бўлиб қоладилар. Ҳолбуки, тафаккур қилиш, чуқур хулосаларга етиш, ана шулардан келиб чиқиб, жамият ва дунёнинг ҳаётига ҳисса қўшиш, инсонни инсон қилиб турган етакчи хусусиятлардан биридир. Бусиз инсон тўкис эмас, ноқисдир, майибдир.

Яна бир гап. Афсуски, сўнгги йилларда дунё миқёсида оммалашаётган бадиий асарларнинг савияси, мазмун-моҳияти азалий талабларга жавоб беролмаяпти. Оммавий маданият иллатлари усти ялтироқ, ичи қалтироқ китоблар шаклига беркинаётгандек гўё. Аввалига китоб деб қизиқиб оласизда, кейин хунрезлик, қотиллик, беҳаёлик, ахлоқий бузуқлик, зўравонлик, безорилик очиқдан-очиқ тарғиб этилаётган саҳифаларни кўздан кечириб, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Бамисоли шайтоннинг қўли билан битилган асарлар ўқувчини фақат маънавий қашшоқликка етаклайди.



Шундай экан, фарзандларимизнинг беғубор онгини ёт ғоялар, ғайриинсоний қарашлар заҳарлаб улгурмасидан таълим-тарбияга жиддий қарашимиз лозим. Буни уларнинг болалик чоғиданоқ бошлашимиз керак. Сабаби, инсон ҳаёти давомида фойдаланадиган маълумотларнинг 70 фоизини 5-7 ёшида ўзлаштирар экан.

Қолаверса, буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино бола тарбиясига у онасининг қорнидалигидаёқ киришиш лозимлигини уқтиргани чуқур мазмунга эга.

Фарзандларимиз тарбияси, билим ва салоҳиятини ўстириш ҳақида гап кетганда, китобнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Фан-техника шиддат билан ривожланаётган давримизда китобга бошимиз янада кўпроқ эгилмоқда, қандай бўлмасин, уни доим кафтимизда тутиб юришга интилмоқдамиз. Эътибор қилинг, интернет олами кенгайиб бораётган бир пайтда, китоб чоп этиш иши оқсаш ўрнига, кундан-кунга жадаллашмоқда.

Интернет майдонида истаган саволимизга жавоб топа олсак-да, адабиётлар рўйхатидан етарлича бохабар бўлолсак-да, борингки, айни электрон китобларнинг аксариятини "варақлаб", улардаги маълумотларга таянишга ҳаракат қилсак-да, чинакам илм билан тўйинган янгиликларни фақат босма китоблардан оламиз. Улар ҳануз маънавий бойлигимиз, олтинга тенг хазинамиз ўлароқ, ўз қимматини сақлаб келмоқда.

Қисқаси, инсоннинг камолотида китоб алоҳида ўрин тутади. Файласуфлардан бирининг таъбири билан айтганда: "Китоб ўқиган, билимга эга инсон билан мутолаа қилмаган, бирор нарсани билмаган одам орасидаги фарқ ёруғлик ва зулмат ўртасидаги фарққа ўхшайди".

Хулоса ўрнида Абдураҳмон Жомийнинг ҳикматларига қулоқ тутишингизни истар эдим:

*Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда,*
*Ғамхўринг бўлғай у ғамли замонда,*
*У билан қол танҳо, ҳеч бермас озор,*
*Жонингга юз роҳат беради такрор.*

**Мирислом БАДАЛОВ,**
**тадқиқотчи.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

**"Бу йил Ангрен шаҳрида мавжуд 9 та ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларини 3130 нафар ўғил-қиз тамомлайди. Шундан 93 нафари тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагини билдирган. Рақамлар тилида айтганда, бу кўрсаткич атиги 3 фоизнигина ташкил этади. Бу – битирувчиларга тадбиркорликнинг мазмун-моҳияти ва мақсадлари тўғрисида етарли даражада тушунтириш, улар орасида тарғибот-ташвиқот ишларининг олиб борилмаганидан далолат беради".**

# КОЛЛЕЖДАН ТАДБИРКОРЛИККА





Ушбу маълумот Ангрен шаҳар ҳокимлиги биносида Ўзбекистон Республикаси "Марказий банки" вилоят бош бошқармаси, Савдо-саноат палатаси, иқтисодиёт, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари, шаҳар ҳокимлиги ҳамда қатор мутасадди ташкилот вакиллари билан коллеж битирувчилари ва уларнинг ота-оналари иштирокида ўтган очиқ мулоқотда таъкидланди.

Вилоятимизда коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка қизиқувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Савол-жавоб ва баҳс-мунозара тарзида кечган мазкур очиқ мулоқотда ҳам ёшлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани, уларга бизнесларини йўлга қўйишлари учун имтиёзли кредит ажратиш ва зарур шароитлар яратиб берилиши тўғрисида атрофлича маълумотлар берилди.

Учрашув якунида Ангрен шаҳар ҳокимлиги биносида махсус ишчи гуруҳдан иборат штаб ташкил этилиб, ишонч телефони хизмати йўлга қўйилди. Энди, битирувчилар ва уларнинг ота-оналари барча саволлар билан ушбу штаб ёки ишонч телефонларига мурожаат қилишлари мумкин.

Қуйи Чирчиқдаги ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежида ўтказилган шундай учрашувдан сўнг ташкил этилган штаб ва ишонч телефонларига жуда кўплаб мурожаатлар бўлмоқда. Мутасаддиларнинг зарур кўрсатмалари ва тушунтиришлари натижасида тадбиркорлик фаолиятига қизиқувчилар сони ортмоқда.

Маълумотларга қараганда, бу йил коллеж битирувчиларига жами 12 миллиард сўм кредитлар ажратилиши режалаштирилган.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Муаллиф олган суратлар.**

# ҲАР БИР БОЛАГА – МЕҲР, ЭЪТИБОР!

Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори, "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Юқори Чирчиқ туман кенгаши ҳамда "Камалак" болалар ташкилоти томонидан "Ҳар бир болага – меҳр, эътибор!" лойиҳаси ташкил этилди. Лойиҳа доирасида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларининг 150 нафари учун Тошкент шаҳридаги ҳайвонот боғи, Амир Темур музейи ҳамда Табиат музейига саёҳат уюштирилди.

**Адҳам АҲМЕДОВ.**

Кўрик-танлов

# МУНОСИБЛАР САРАЛАНДИ

**Чирчиқ шаҳридаги "Кимёгарлар" саройида вилоят ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш бошқармаси ва Қизил Ярим ой жамияти ҳамкорлигида ташкиллаштирилган "Ҳамшира – 2014" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**



Республика Президентининг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорларига асосан ўтказилган танловда вилоят ҳокимлиги аъзолари, тегишли соҳа вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Илғор ҳамширалар тажрибасини оммалаштириш, уларнинг назарий ва амалий салоҳиятини янада кўтариш, истеъдодларини намоён этишлари учун қулай шароит яратиш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкиллаштирилган танловда, юртимиз аҳолисининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар яхши самара бераётгани, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш намунали йўлга қўйилгани таъкидланди.

Кўрик-танлов иштирокчилари 5 та шарт бўйича соҳага доир назарий ва амалий билимларини синовдан ўтказишди.

Танлов натижаларига кўра, учинчи ўрин бўкалик Севгида Хидировага, иккинчи ўрин эса зангиоталик Сайфиддин Йўлчиевга насиб этди. Бекобод шаҳридан Зарнигор Ҳаитова кўрик-танлов ғолибаси бўлди.

Ташкилотчилар ғолиб ва совриндорларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширишди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.



**Бекзод БАХТИЁРОВ.**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

Давра суҳбати

**"Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Лекин соғлом оилани шакллантириш, бунинг учун, аввало – оналар соғлигига мунтазам эътибор, соғлиқни сақлаш, халқ таълими тизими, маданият ва спорт соҳасида, ўзини ўзи бошқариш идоралари томонидан дастурда белгиланган вазифалар қай даражада бажарилаётгани, бунга дахлдор мутасадди ташкилотларда иш жараёни қандай кечаётганини ОАВ хизматисиз тасаввур этиш қийин.**

# ДАСТУР ИЖРОСИДА ОАВ ЎРНИ ВА РОЛИ

Дастур тўғрисидаги қарорда бу жараён босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, шу жумладан интернетнинг глобал тармоғини жалб этган ҳолда аҳоли орасида мунтазам, тизимли ва кенг ёритилиши кераклиги алоҳида таъкидланган.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлими, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмасининг шаҳар ва вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ўтказган давра суҳбати айнан шу мавзуга – "Соғлом бола йили" Давлат дастурини амалга оширишда ОАВ роли ва ўрни"га бағишланди. Унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари, журналистлар, хусусан Тошкент шаҳри ва вилояти оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Давра суҳбатида "Соғлом бола йили" Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари тўғрисидаги ахборот-тушунтириш ишлари, келажак авлоднинг соғлом туғилишида ходимларнинг роли ва масъулиятини ошириш, бу борада тизимнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш; ёшларни жисмонан соғлом, маънан етук, баркамол қилиб тарбиялаш, таълим сифатини янада ошириш борасидаги тажриба ва амалиёт; оила муҳити, ёш оилаларнинг қўллаб-қувватланиши; ёш авлод тарбиясида маҳалла ва бошқа жамоат тузилмаларининг масъулияти; қонунчилик ва норматив ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, жамоатчилик назорати каби долзарб мавзуларни ёритишда журналист текшируви, касб маҳорати ва этикасига доир маърузалар тингланди.

Ушбу Давлат дастурини амалга ошириш мақсадида йил давомида 8 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши, жумладан, "Болаларнинг жисмоний ва маънавий ривожига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш тўғрисида", янги таҳрирдаги "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида", "Аҳолининг санитария-эпидемиологик фаровонлиги тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида", янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонунлар келгусида мазкур масалаларни ёритиш ҳамда ижросида муҳим қўлланма бўлиши кераклиги таъкидланди.

Тадбир якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил маълумот олдилар. Дастур доирасидаги жараёнларни юқори савияда, моҳирона ёритиш бўйича фикр-мулоҳазалар, тегишли тавсиялар билдирилди.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**

# «ЯГОНА ОЙНА» ХИЗМАТИДА МУАММО ЙЎҚ

Тадбирда таъкидланганидек, "Ягона ойна" марказлари ижтимоий таъминот, таълим, соғлиқни сақлаш, бандликни таъминлаш, фуқароларнинг чет элда иш фаолиятини амалга ошириш, муҳандислик-коммуникация тармоқлари (табиий газ, электр энергияси, сув, алоқа) билан боғлиқ, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий маслаҳатлар бериш масалаларида аҳолининг энг яқин кўмакчисига айланиб бормоқда. Шунингдек, улар давлат хизматларини тақдим этишда янгича ёндошув бўлиб, бу жараёндаги ортиқча қоғозбозлик ва оворагарчиликларни камайтиришда ёрдам беради.

Бугунги кунда Чирчиқ шаҳридаги "Ягона ойна" марказида фуқаролар турли ташкилотларга қатнаш учун вақт сарфламасдан ишга жойлашиш, тадбиркорлик фаолияти, солиқларни тўлаш масалаларини ҳал қилишлари, давлат кўчмас мулк кадастридан маълумотлар, коммунал, ижтимоий ва бошқа масалаларга доир ахборот олиш имкониятига эгалар.

– Вилоятингизда ташкилотимиз лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилаётганидан мамнунмиз, – деди БМТ Тараққиёт дастури ваколатхонаси лойиҳа раҳбари Д. Исроилов. – Бугунги кунга қадар маҳаллий бошқарув идоралари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида қатор ишлар бажарилди. Чунончи, Чирчиқ шаҳрида ташкил этилган "Ягона ойна" маркази ўзини оқлаяпти. Вилоят ҳокимлиги, барча туман ва шаҳарларда электрон ҳужжат алмашинуви тизими йўлга қўйилгани, ҳокимликларнинг расмий веб-сайтлари ташкил этилгани, фуқароларнинг мурожаатлари портал орқали қабул қилинаётгани соҳада ўсиш даражасини кўрсатади.

Бизга айтишларича, марказга бўлаётган мурожаатларнинг аксарият қисмини тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ масалалар ташкил этади. Демак, шаҳарда мазкур йўналишда фаолият юритишни мақсад қилганлар учун яратилаётган имкониятлардан аҳоли унумли фойдаланмоқда. Лекин бу жараёнда турли тушунмовчиликлар вужудга келиб, ҳуқуқий жиҳатдан маслаҳатга эҳтиёж сезилади. Шу сабабли жадвал асосида ҳафтанинг жума кунлари марказда шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати, газ таъминоти, электр тармоқлари, "Сувоқава" корхонаси, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва давлат солиқ инспекциялари мутасадди ходимлари фуқаро ва тадбиркорлар билан суҳбатлашиб, маслаҳат беришмоқда. Уларнинг муаммоларига шу ернинг ўзида ечим топилмоқда.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Муҳими, марказ ўз олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни бажариб, аҳолининг ишончли ва яқин ҳамкорига айланмоқда.




Кун тартибидан Чирчиқ шаҳар "Ягона ойна" маркази билан танишиш ҳам ўрин олди.

Семинарда вилоят ҳокими ўринбосари Анвар Абдуқодиров иштирок этди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

## ФУТЗАЛЧИЛАРИМИЗ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

**20 май куни Ўзбекистон Футзал уюшмаси (ЎФУ) томонидан XIII Осиё чемпионатининг бронза медалларини қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларини тақдирлаш маросими ўтказилди.**



ЎФФ мажлислар залида ўтказилган тақдирлаш маросимида ЎФУ президенти Фазлиддин Сирожиддинов Вьетнамнинг Хошимин шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларига мурожаат қилиб шундай деди: "Биринчи навбатда, барчангизга чуқур миннатдорлик билдирмоқчиман. Сиз Осиё чемпионати каби нуфузли мусобақада Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қила олдингиз. Умид қиламизки, кейинги Осиё чемпионатида ҳам сиз совриндорлар қаторидан жой олиб, Жаҳон чемпионати йўлланмасини албатта қўлга киритасиз".

Таъкидлаш лозимки, футзални ривожлантириш ва оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон Футзал уюшмаси терма жамоа аъзоларига ойлик маош тўлаш тартибини жорий қилмоқда.

– Биз Ўзбекистон Футбол федерацияси ҳамда Ўзбекистон Футзал уюшмаси раҳбарияти билан келишиб олиб, сизларга, яъни терма жамоа аъзоларига ойлик маоши таъсис этишга қарор қилдик. Эндиликда миллий терма жамоа аъзолари ҳар ой Ўзбекистон Футзал уюшмаси томондан тегишли тартибда ойлик маошларини олади, бу эса жамоада ўйнаш иштиёқини янада оширади, – деб таъкидлади Фазлиддин Сирожиддинов.

**"Туркистон-пресс".**

**ТЕННИС.** Ҳамюртимиз Денис Истомин Германияда ўтказилаётган Dusseldorf Open турнирининг чорак финалига чиқди. У мусобақанинг иккинчи даврасида австралиялик Жейсон Кублерни 3:6, 6:4, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди.



Ўзбекистон вакили чорак финалда турнирда учинчи рақамда сараланган италиялик Андреас Сеппига қарши кортга чиқади.

**ЕНГИЛ АТЛЕТИКА.** Хитойнинг Пекин шаҳрида ўтказилган "IAAF World Challenge" мусобақасининг бешинчи босқичида ҳамюртимиз Светлана Радзивил муваффақиятли иштирок этди. У мусобақанинг баландликка сакраш баҳсида 1,95 метр натижа қайд этиб, шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди ва кумуш медални қўлга киритди.

**ГИМНАСТИКА.** Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари муваффақиятли иштирок этди.



Ўндан зиёд давлатдан 150 нафар спортчи иштирок этган турнирнинг кўпкураш баҳсларида ҳамюртимиз Эдуард Шаулов битта кумуш ва учта бронза медални қўлга киритди.

Қизлар ўртасида Вероника Орлова таяниб сакраш баҳсларида иккинчи, эркин машқ бажаришда учинчи ўринни эгаллади.

**Б. АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Мулоҳаза учун мавзу

**Режага асосан юқори ҳудудларда табиатни асраш, ўсимликлар дунёси ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилишни тарғиб этиш мақсадида йўлга отландик. Ҳамроҳларимиз депутатлар, миллий боғ вакилларидан иборат эди.**

**Ғарбий Тянь-Шань тоғлари. Қадимги Ланкент, Арднаткент, анча узоқроқда эса гўзал ва жуда-жуда сирли Шоҳжувор. Шифобахш булоқлар. Ғарбий Тянь-Шаннинг таржимада Тангри тоғ деб юритилишида жуда кўп ҳикматлар яширингандек. Лолақизғалдоқларнинг майин шивири, ям-яшил оламнинг тантанаси... Бироқ ҳамроҳларим – Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи мутахассисларининг айтишларича, бу адирликларда лолалар ўсмай қўйганига анча бўлибди. Айни кунларда тоғларнинг баланд чўққиларидагина лоланинг тарғили – Кауфман деб номланувчи тури кўпроқ учрайди. Ҳолбуки, бундан 25-30 йиллар аввал ҳам бу лолани шу ҳудудга ёндошган тоғнинг биринчи адирлариданоқ топса бўларди...**



# ЛОЛАЛАРНИ АВАЙЛАНГ

Қизил лоланинг турлари ҳам борган сари камайиб кетаяпти. Энг ачинарлиси, бундай "тақдир" тоғларимиздаги мавжуд ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг деярли ҳамма турлари учун хавф солаётгани сир эмас.

Ҳозирги кунда миллий боғ ҳудудида 1800 га яқин ўсимлик тури мавжуд бўлиб, улардан 74 таси Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоб"ига киритилган. Ҳайвонот дунёсидан эса 230 га яқини яшайди, шундан 38 тури Ўзбекистон ва Халқаро "Қизил китоб"ларига киритилган.

Юқорида келтирилганидек, нохуш ҳолларга йўл қўймаслик, ўсимлик ва ҳайвонларнинг нодир турларини сақлаб қолиш ҳамда кўпайтириш мақсадида 1990 йили Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи ташкил этилганди. Унинг майдони асосан тоғ, ўрмон, яйлов, суғориладиган ва лалми ерлардан иборат. У Ғарбий Тянь-Шань тоғли ҳудудларида, денгиз сатҳидан 800-4000 метр баландликда жойлашган, Марказий Осиёда энг йирик миллий боғлардан ҳисобланади.

Унинг географик ўрни, иқлим хусусиятлари ландшафтларнинг хилма– хиллиги ва ўзига хослигини белгилайди. Миллий боғнинг таркибига тоғлар, даштлар, арчазорлар, ёнғоқзорлар, қайинзорлар, катта майдонларни эгаллаган ўтлоқлар кирган. Бу яшил ва табиий бойликларни асраб, келгуси авлодга етказиш бизнинг инсоний бурчимиздир.



Ўзингиз бир мулоҳаза қилиб кўринг: одатда, табиатни Онага қиёслайдилар. Лекин шунга қарамай, баъзилар табиат, унинг қўйнидаги нодир ўсимлик ва ҳайвонларга, паррандаларга шафқатсизларча қирон келтираяптилар. Ўсимликлар дунёсининг йўқ бўлиб кетишига ўз "улуш"ларини қўшаётганлар бор. Турли доривор гиёҳлар, мадор пиёзи, равочни пишиб етилмасидан туриб, шахсий манфаати йўлида йўқ қилиб юбораётганларга нима дейсиз?

Ернинг эррозияга учраши, ўрмонларнинг йўқ қилиниши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, ҳайвонларнинг рухсатсиз овланиши ҳам фикримизга далил бўла олади.

Такрор-такрор таъкидлашдан толмаймиз. Табиатни асраб-авайлаш ҳар бир инсоннинг бурчи эканлигини ҳеч ким унутмаслиги керак. Ҳар бир экилган ниҳол ўсиб унгач, аввало, ҳавони тозалаб туради, қуригани ўтин бўлади, қурилишда фойдаланилади, йўл чеккаларидаги шовқинни, тоғ ёнбағирларидагиси эса сувни ушлаб қолади. Табиатдаги ҳар бир бута ва ўсимликни ўз ўрни, қадри бор.

Кимдир палапартиш мол боқаяпти, яна биров эса дарахтларни кесиб, катта зиён келтираяпти. Энг ачинарлиси, айрим ота-оналар болаларини қанотлари остига олиб, мактаб, коллеждаги дарсларидан қолдириб, "лола бизнеси" билан шуғулланаяптилар. Туманимизнинг Гилавасой, Учтерак, Билдирсой, Чимён қишлоқлари ҳамда Ғазалкент шаҳрининг Юсуфхона қишлоғи ҳудудида қучоқ-қучоқ лола кўтариб, автомобиль йўлига чиқиб, ҳаётларини хавф остига қўяётган болалар ва аёлларни кўриб, афсусланиб кетади, киши. Улар билан табиатга зарар етказмаслик, нодир ўсимлик ва ҳайвонот оламини асраш ҳақида тарғибот ишлари ўтказилди.

Ҳозирги кунда барча қишлоқ фуқаролар йиғинларида, мактаб ва касб-ҳунар коллежларида табиатни муҳофаза қилиш, экологик маданият, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш, сув ва ер ресурслари, уларни зарарли чиқиндилардан муҳофаза этиш, эррозияга қарши кураш, биохилма-хилликни асраш каби мавзуларда тадбирлар ўтказиб борилаяпти.

**Жаҳонгир ПИРМЕТОВ,**
**Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи мутахассиси.**
**Манзура АЛИОХУНОВА.**

Кўргазма

**Ўзбек халқининг буюк адиби Абдулла Қодирий миллат ғурурига, фахрига муносиб. Юртимизда ёзувчи таваллудининг 120 йиллиги муносиб нишонланмоқда.**



## АДИБГА БАҒИШЛАНДИ

Машҳур адибнинг "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён" романлари миллий романчилик мактабининг нодир намунаси сифатида бугунги ёшларимизнинг ҳам севимли асарларига айланган.

Тошкент Фотосуратлар уйида ташкил этилган "Абдулла Қодирий Тошкенти" номли бадиий кўргазмада ҳам айнан адиб ҳаёти акс эттирилган. Унда ёзувчининг болалик, етуклик палласи билан бирга, қатағон даврининг қора кунларини ўзида жамлаган суратлари ҳам ўрин олган. Шу билан бирга ўша даврда Ўрта Осиёнинг йирик маданий-маърифий марказларидан бири бўлган Тошкентнинг эски шаҳар манзараларига ҳам алоҳида ўрин берилган.

Фотокўргазмада Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти талабаларининг ёзувчи ҳаётига бағишлаб ишлаган тасвирий санъат асарлари ҳам намойиш этилди.

Кўргазма шу ойнинг 31-санасигача давом этади.

**Наргиза АСАДОВА,**
**"Туркистон-пресс".**

Жиноятга жазо муқаррар

# «ГАП»ДА ГАП КЎП ЭКАН

**"Жаннат – оналар оёғи остида" деб бежиз айтилмайди. Дунёда онадек азиз ва мўътабар зот йўқ. Қолаверса, аёллар гўзаллик, поклик ва ҳаётнинг давомийлиги тимсоли ҳамдир. Улар шаънига ҳар қанча таърифу таҳсин айтсак ҳам кам. Лекин, баъзи бир аёллар, ҳатто, нафақа ёшидаги дуогўй онахонларнинг билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолганига, фарзандлари ва набиралари ардоғида умргузаронлик қилиш ўрнига, аллақандай диний экстремистик оқимларнинг фаол иштирокчисига айланаётганига таажжубланмасдан, ачинмасдан илож йўқ.**



Асли сурхондарёлик Ҳанифа Абдуллаева Тошкент шаҳар, Чилонзор туманида рўйхатда туриб, Янгийўлдаги С. Султонова номли маҳаллада истиқомат қилади. Ёши қирқдан ошган бўлсада, беш фарзандига ибрат бўлиш ўрнига, ўзи йўлдан адашди. Муқаддас "Қуръони Карим" оятларини ўз мақсадлари йўлида бузиб талқин қилувчилар қармоғига илинди. Бундан 12 йил аввал оғир хасталикка чалиниб қолгани ва касаллиги туфайли биринчи турмуш ўртоғидан ажрашиб, динга берилган хонадонга келин бўлгани, асосийси, моддий ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг ишончини қозонишни мақсад қилган экстремистик ташкилотнинг "Байт-ул-мол" пулларидан фойдаланаётгани Ҳ. Абдуллаевани шундай боши берк кўчага бошлаб кирди...

1997 йил Ҳанифа Абдуллаева бошчилигида ташкил этилиб, ўтган йилнинг июлида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан аниқлангунга қадар, "Жиҳодчилар" диний экстремистик оқимининг аёллардан иборат "Зангиота", "Янгийўл" ва "Бўка" аёллар қаноти номли ташкилоти қанчадан-қанча қиз-жувонларни ўз домига тортиб олди. Юқорида таъкидлаганимиздек, ташкилот моддий қийинчилиги бор оилаларга ёрдам кўрсатиш орқали аъзоларини кўпайтириб борди. Таъминотни яхши ўзлаштирган, етакчиларнинг ишончини қозонганларнинг уйида бир ойда бир марта йиғилиб, "Илми мажлис" ўтказишарди. Мажлис иштирокчилари тез орада қўни-қўшнилари, қариндош-уруғлари, дугоналарини "гап" даврасига таклиф қилиб, охират, намоз ўқиш, жиҳод қилиш каби ғояларни тарғиб эта бошлашди.

Аммо... "Бузоқнинг югургани сомонхонагача" бўлди. Миллий ва диний адоватни авж олдириш, халқимизнинг бирдамлигини бузиш, мамлакатимизда ғаразли мақсадларда атайлаб, тўс-тўполонлар уюштиришни режалаштирган ташкилот фаолиятига чек қўйилди.

Жиноят ишлари бўйича вилоят судининг очиқ мажлисида "Жиҳодчилар" экстремистик гуруҳининг аъзолари Ҳанифа Абдуллаева, Муқаддас Козимбоева, Маъмура Ўсарова, Рисолатхон Аҳмедова, Ҳабиба Орифжонова ва Машкура Каримованинг жиноий ишлари кўриб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан жазо тайинланди.

**Аваз ИСРОИЛОВ.**

Кулганга нима етсин

*– Тунов куни битта тўтиқуш сотиб олдим.*
*– Хўш, у гапиришни билармикан?*
*– Буни ҳали аниқлай олганимча йўқ, чунки ўшандан бери тўтиқуш иккаламиз хотинимнинг жаврашдан тўхташини кутяпмиз.*

☹ 😐 ☺

*– Хотининг кўнгил майлингга қаршилик қилмайдими?*
*– Асло.*
*– Нимани яхши кўрасан, ўзи?*
*– Уй супуриш, овқат қилиш, идиш-товоқ ювишни...*

☹ 😐 ☺

*– Ҳошимжон, синфингизда энг ялқов ким?*
*– Билмайман.*
*– Ҳамма ёзаётганда, ким ёзмай қараб ўтиради?*
*– Ўқитувчимиз.*

☹ 😐 ☺

*– Сени отанг уришадими, Дилшод?*
*– Йўқ. Мен ўн фарзанднинг кенжасиман. Навбат менга келгунча дадам чарчаб қолади.*

Рассом хандаси




caricatura.ru

Билиб қўйган яхши

## ТИШИНГИЗНИ СУТДА ЧАЙИНГ

Сут саломатлигимиз учун энг муҳим ва фойдали маҳсулот экани ҳаммага аён. Унинг шифобахш хусусиятлари ҳақида ҳам жуда кўп маълумотлар бор. Яқинда бир гуруҳ олимлар сут тишларни махсус сақичдан яхшироқ тозалашини аниқладилар.



Торонто университетида кўнгиллилар ёрдамида шарбат, сув ва сут маҳсулотининг қай бирида овқатлангандан сўнг оғиз чайилса, милк ва тишлардаги бактериялар йўқолишини аниқлаш учун тест синовлари ўтказилди. Экспертлар оғиз чайилгандан сўнг сўлакдан намуна олдилар. Текширишлар сут оғиз бўшлиғи ва тишдаги бактерияларни йўқотиб, кариесдан ҳимоя қилишини кўрсатди.

### ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 24 май куни Тошкентда ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 13-15, кундузи 29-31 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво бироз булутли бўлади, айрим жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 13-18, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 7-12, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail:
th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 9983. Адади 15624. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00.